

---

## Табрикнома!

Хурматли ўзбек тили ривожига муносиб ҳисса қўшаётган фидойилар! Авваломбор барчангизни бугунги айём - Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз тўрт йиллиги ва «Ўзбек тили байрами» билан самимий муборакбод этаман! Тил - инсониятга инъом этилган буюк неъмат! У халқ тарихи, руҳияти, ўзлигини ифодалайди. Бинобарин, бетакрор маданий-маърифий бойликлар, асрий қадриятлар шу тушунчага пайвандланади. Бугун сизга ташаккурим ва чексиз ҳурматимни изҳор этмоқчиман! Негаки, сиз каби чинакам тил фидойилари ўзбек тилининг нақадар сержило эканлигини дунё мамлакатлари олдида намоён этмоқдасиз! Ер юзида тиллар кўп, лекин ҳар бир халқ учун ўз тили азиз ва муқаддас, давлат тили – миллий мустақилликнинг тимсоли, жамият кўзгуси ва давлат рамзи саналади. Ўзбек тили халқимизнинг шу кунгача қўлга киритган ютуқларидан энг залворлилари қаторида дея, ҳеч шубҳасиз, миллий тилимизни эътироф этсак бўлади. Яна бир бор сизни бугунги айём билан қутлар эканман, бизнинг туманимиздан ўзбек тилининг обрўсини янада улуғланишига сабабчи бўлган, сиздан, ўрнатилган ёшларнинг сафи кенгайишига ишонаман! Барчамизга Ўзбек тили байрами куни қутлуғ бўлсин! Риштон тумани ҳокими Баҳодир Холиқов.

2023-10-21 10:59:33